## АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

...минг афсуски, «гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, айрим нопок шахслар содда фуқароларимизни «чет элда янаям кўпроқ даромад топасиз» деб алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, охир-оқибатда аянчли ҳолатларда қолдираётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

9 бет



## «ФИРИБГАР» ТЎНИНИ КИЙИБ...

Охир-оқибат Жўрабек Тўраевнинг «устамон»лиги шу даражага етдики, талабалик пайтидан қадрдони бўлмиш Лазиз Жўраев ҳам унинг алдовларига қандай учганини билмай қолди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 30-aprel, № 18 (643)









## Мутахассислик – сенинг келажагинг

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар эртанги кун эгалари бўлмиш ёшлар учун катта имкониятлар яратмоқда. Бу албатта, таълим тизимидаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этади.

Шу маънода, жорий йилнинг 28-30 апрель кунлари Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида «Мутахассислик — сенинг келажагинг» мавзуида кўргазма ташкил этилди.

Тадбир умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ва битирувчилари учун келажакда мутахассислик танлашга кўмаклашиш, уларга қўйилган талаблар бўйича ўз мутахассисликларини намойиш этиш каби қатор вазифалар доирасида ташкиллаштирилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг ота-оналарига таълим муассасаларининг техник жиҳозланиши ва уларнинг замонавий таълим тизимидаги аҳамияти юзасидан атрофлича маълумот берилди. Бундан ташқари, бу ерда ҳар бир таълим муассасасининг ўз йўналишини акс эттирувчи турли хилдаги техник ва ҳунармандчилик буюмлари ҳамда ўқувчилар томонидан мустақил ҳолда тайёрланган турли экспонатлар намойиш этилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг ушбу даргоҳга қизиқишини янада кучайтириб, касб ёки ҳунар танлаши учун катта туртки бўлмоқда десак муболаға бўлмайди.

Ушбу кўргазмали тадбирда Тошкент шаҳридаги 297 та умумтаълим мактабларининг 35 минг 306 нафар 9-синф битирувчилари ва республика ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари иштирок этишди. Тадбир давомида олиб борилган сўровларда маълум бўлишича, ўқувчиларнинг 29 минг 63 нафари касбҳунар коллежларида, 8 минг 270 нафари академик лицейларда ўқиш истагини билдиришган.

Кўргазма Тошкент шаҳар ҳокимлиги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва шаҳар Халқ таълими бош бошқармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди.

**Олим РАИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

## КУЗГИ ҲОСИЛНИ ЎЙЛАМАГАН ФЕРМЕРЛАР

Кузга бориб кўтариладиган пахта хирмонининг салмоғи чигит экиш ишларининг энг қулай вақтда ва сифатли бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам вилоят прокуратураси органлари бу муҳим ишга жиддий эътибор қаратиб, мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг 2009 йил 12 февралдаги «2009 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини қатъий назорат қилмоқда.

Шуниси ачинарлики, айрим фермер хўжаликларида чигит экилиши лозим бўлган майдонлар ноқонуний равишда фуқароларга уй-жой қуриш ва томорқа учун бериб юборилган. Жумладан, Бандихон туманида «Абрайқулбобо» фермер хўжалиги бошлиғи О.Мустафоқулов чигит экилиши режалаштирилган майдондан фуқаролар Б.Юсупов, Х.Турсунов, О.Менглиевларга 0,40 гектардан, Ў.Абдураҳмонов, Ш.Юсупов, Х.Ҳайдаровларга 0,35 гектар, Б.Холмуродов, Э.Ибрагимовларга 0,20 гектар, 187-контурдан Х.Аноров, А.Эшмўминов, А.Нормўминов, Р.Жумаев, Э.Эргашев, М.Бобомуродовларга 0,40 гектар, Ш.Юсупов, Ш.Жумаевларга 0,35 гектар, Б.Мерганов, Р.Аҳмедов, А.Сафаровларга 0,28 гектар, Э.Юсуповга 0,70 гектар, Ж.Эшмўминовга 0,60 гектар, Б.Холмуродовга 0,55 гектар, А.Агаевга 0,52 гектар, А.Эгамбердиевга 0,50 гектар, Х.Мирзаевга 0,42 гектар, А.Каримовга 0,30 гектар - жами 10,18 гектар ерни уй ва томорқа учун ажратиб берган, фуқаро С.Абдурасуловга эса 0,60 гектар ерни сотиб юборган.

**Вилоят прокуратураси томонидан мазкур ҳолат юзасидан жорий йилнинг 14 апрель куни О.Мустафоқуловга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирги кунда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.**

**(Давоми 3-бетда).**

# Иқтисодиётнинг етакчи кучи

Ҳукуматимиз қарорига биноан Фарғона шаҳри бош режа асосида қайта қурилмоқда. Тадбиркорлар шаҳар марказидаги эски ҳовли-уйлар ўрнида замонавий турар-жой, муассаса, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг кўркам биноларини қуриб, ишга туширишмоқда.

Қувасой кўчасидаги бузиладиган эски уйлардан бири Елена Рассказовага тегишли эди. Уй эгаси шаҳар прокуратурасига мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун бузиладиган уйининг саҳнига тенг ер майдони ажратиб бермаётганини баён этди. Ариза ўрганилганда, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида»ги қарори асосида унга 216 метр² ер майдонини ажратиб бериш кўзда тутилгани, бироқ март ойигача бу иш пайсалга солиб келингани аниқланди. Шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан фуқаронинг ҳуқуқи тикланди. Бинони қуриб, тадбиркорлик фаолиятини юритиши учун зарур ер майдони ажратилди.

«Олимшер» хусусий фирмасининг раҳбари эса шаҳар марказида уч қаватли савдо марказини қуриб битказиш учун кредит олишда ёрдам беришни сўради. Унга 100 млн. сўм кредит ажратилиши учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, республика «Халқ банки» бошқарувининг кредит қўмитасига тақдим этиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Шаҳар прокуратураси иқтисодиётни жадал ривожлантириш мақсадида қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар, Президент қарорлари ижросини таъминлаш борасида мунтазам иш юритмоқда. Кичик ва ўрта бизнес намоёндалари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига сунъий тўсиқлар, ғайриқонуний текширишлар, тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тартибларининг бузилиши, таъмагирлик ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида ишонч телефонлари ташкил қилиниб, ОАВда эълонлар берилди. Ишонч телефонлари орқали олинган мурожаатлар ўрганилиб, қонуний ҳал этилмоқда. Чунончи, фуқаро М.Ахунова қора мол сотиб олиш учун кредит ажратилишини сўраб, мурожаат қилди. Унинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, АТ «Турон банк» Фарғона филиалидан 1 млн. 400 минг сўм кредит олишида амалий ёрдам кўрсатилди. Яна 3 нафар фуқаронинг ишонч телефони орқали қилган мурожаатлари қонуний ҳал этилди.

Қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар, бевосита мулоқотлар орқали фуқароларга етказилмоқда. Улар имкониятларини ишга солиб, иш бошлашлари учун яратилган шарт-шароитлар билан таништирилмоқда. Қиргули, Охунбобоев, Алишер Навоий, Аҳмад Ясавий номли даҳаларда иқтисодиётнинг реал сектори — саноат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес намоёндалари билан учрашувлар ўтказилиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни кенгайтириш имкониятлари, мавжуд муаммоларнинг қонуний ечимлари муҳокама қилинди. Мулоқотларда фуқаролар тадбиркор сифатида гувоҳнома олишдаги сансалорлик хусусида эътирозларини билдиришди.

Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги давлат рўйхатига олиш инспекциясининг фаолияти таҳлил қилинганида, ҳақиқатдан ҳам сансалорлик ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, иш бошлаш ҳақида аризалари, топширган ҳужжатлари асосида рўйхатдан ўтказилган 38 нафар тадбиркорларга хабарномалар юборилмаган, гувоҳномалар топширилмаган. Шу йил бошида, 6 январь куни мурожаат қилган А.Холматовга савдо-сотиқ билан шуғулланиши учун рухсат гувоҳномаси расмийлаштирилгану, текшириш кунига қадар хабарнома юборилмаган, қўлига берилмаган. Юқоридагидек, 26 ҳолатда барча ҳужжатлар тақдим этилганда, аризалар икки кун муддатда кўриб чиқилиб, рухсат гувоҳномалари тайёрлаб, топширилиши тўғрисидаги қонун талаблари бузилган. Шаҳар прокуратураси ушбу ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш хусусида ҳокимга тақдимнома киритди.

Шаҳар прокуратураси ходимлари маҳалла фуқаролар йиғинларидаги учрашувларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантиришга оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини сингдиришаётгани ўз самарасини бермоқда. Бевосита маҳаллаларда кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Чунончи, «Мустақиллик» МФЙнинг идораси қошида тадбиркор М.Бадалова очган тикув цехида 8 нафар аёл иш бошлашди. «Озодлик» МФЙда эса темир дарвоза ва эшиклар, панжаралар тайёрлаб берувчи цех очилди. Унда уста ва беш нафар шогирди буюртмаларни тайёрлаб беришаяпти. Йил бошидан бери прокуратура кўмаги билан рўйхатдан ўтиб, маҳалла гузарлари, хонадонларда фаолият юрита бошлаган тадбиркорлар 233 нафар фуқароларни ишга қабул қилишди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳақларини ундириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, ўзаро шартнома асосида «Уста Собиржон» хусусий фирмаси, «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятига пишган ғишт тайёрлаб, етказиб берган. Акциядорлик жамиятининг маъмурияти 90 кун ўтса-да, фирма ҳисоб-рақамига 6,9 млн. сўмни ўтказиб бермаган. Бундан ташқари «Фарғонаазот» АЖ маъмурияти 9 та тадбиркорлик субъектлари етказиб берган маҳсулотлар, бажарган ишлари учун ҳисоб-китоб қилмай келаётгани аниқланди. Вилоят прокуратураси орқали судга тадбиркорларнинг ҳақларини ундириш тўғрисида даъво аризалари киритилди.

Шу тариқа иқтисодиётнинг етакчи кучига айланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ижроси таъминланиб, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажми ортмоқда, сифат даражаси яхшиланиб бормоқда. Бош режа бўйича қад ростлаётган муассасалар, савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда. Янги иш ўринлари таклиф қилиниб, ишсизлик муаммоси ҳал этилиб, муносиб турмуш шароитлари яратилмоқда.

**Одилжон ИБРАГИМОВ,**
**Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — ДАВР ТАЛАБИ

Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш жамиятда ижтимоий адолат ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари назорат фаолиятининг муҳим вазифасидир. Бу борада Жиззах шаҳар прокуратураси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг манфаатлари дахлсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, 2008 йил мобайнида Жиззах шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳар бандликка кўмаклашувчи маркази ҳамкорлигида бир қанча меҳнат ярмаркалари ўтказилган эди. Жумладан, 2008 йил 11 март куни Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида йирик ва кичик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмалари очилиб, ундан кўзда тутилган мақсад корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари бўйича ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаси ўтказиш эди. Ярмаркада 32 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларидаги 403 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур ярмаркада 112 нафар фуқаро иштирок этиб, 25 нафар фуқарога бўш иш ўринлари таклиф этган корхона ва ташкилотларга йўлланмалар берилган, 5 нафар ёшлар касб мутахассисликлари бўйича ўқишга юборилган, 82 нафар фуқарога эса турли хил йўналишларда меҳнат қонунчилиги ва соҳаси бўйича маслаҳатлар берилган эди.

Худди шундай меҳнат ярмаркаларидан бири ўтган йилнинг август ойида ҳам ўтказилди. Уч кун давом этган мазкур ярмаркада жами 222 та корхона ва ташкилотлар 166 та бўш иш ўринлари билан қатнашишди. Ярмаркада 339 нафар фуқаро иштирок этган бўлса, шундан 165 таси ишга жойлаштирилди.

2009 йилнинг ўтган 3 ойи давомида эса бандликка кўмаклашувчи марказга жами 1190 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилди. Улардан 1091 нафари иш билан таъминланди. 58 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилган бўлса, 20 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. Бундан ташқари, 30 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган, 5 нафари эса малакасини ошириш учун қайта ўқишга юборилди.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган «Касаначилик тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Жиззах шаҳрида 948 та касаначилик иш ўринлари яратилиши белгиланган. 2009 йилнинг биринчи чораги давомида 199 та касаначилик иш ўрни яратилган. Бандликка кўмаклашувчи марказга 3 нафар вояга етмаган ёшлар иш сўраб мурожаат қилишган бўлиб, айни пайтда уларнинг ҳаммаси квота бўйича ишга жойлаштирилган.

Бу албатта, қувонарли ҳол. Аммо, масаланинг яна бир томони борки, бу ҳам қонунлар ижроси ҳақида.

Яқинда Жиззах шаҳар Бандликка кўмаклашувчи марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Ўтказилган мониторинглар натижасида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Маълумки, ходимларга иш ҳақлари бўйича маблағлар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ажратилади. Марказ ишчи хизматчиларига 2008 йил 1 январдан 2009 йилнинг 1 январигача бошқарма томонидан 55761 минг сўм молиялаштирилган бўлиб, 34476,4 минг сўм иш ҳақи ҳисобланган. 2009 йил 1 январь ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик 739,0 минг сўмни ташкил этади. Текширувда ходимларга берилган иш ҳақлари алоҳида таҳлилдан ўтказилганда шу нарса маълум бўлдики, 2008 йил давомида марказнинг меҳнат инспектори А.Абдураҳмоновга 13629 сўм иш ҳақи кўп ҳисобланиб, тўланган.

Бундан ташқари, Жиззах шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 5-сонли «Гунча» МТМ мудираси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга зид равишда иш юритган. У ҳар ойнинг 25-санасидан кейинги ойнинг 5-санасигача бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказига ўз вақтида топширмаган. Бу каби ҳолатларни «Феруза», «Умид», «Ширин» каби мактабгача таълим муассасаларида ҳам учратиш мумкин.

Умуман олганда, фуқаролик жамиятининг энг муҳим тамойилларидан бири фуқароларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ижроси самарадорлигини таъминлашдир. Шундай экан ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратмоқ лозим.

**Турғунбой САҒАТОВ,**
**Жиззах шаҳар прокурори**

**Ўтган жума куни Тошкент шаҳар прокуратурасида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли китобининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган масалаларни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар прокуратураси органлари прокурор-терговчи ходимлари ва иқтисодчи олимлар иштирок этишди. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад, тадбир таассуротлари хусусида Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Равшан ҲАКИМОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.**

# БАРЧАМИЗ БИРДАЙ МАСЪУЛМИЗ

**— Равшан ака, шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган мазкур йиғилиш айнан ана шу масалага бағишланганининг қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?**

— Маълумки, бугунги кунимизнинг энг долзарб масалаларидан бири тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози муаммосидир. Мазкур инқироз оқибатлари, унинг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига кўрсатаётган салбий таъсири хусусида ОАВ орқали тарқатилаётган ахборотлардан етарли даражада бохабар бўлиб турибмиз. Аммо бугунги кун кишиси, жумладан, прокуратура ходими учун шунинг ўзи етарлими?

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад молия-иқтисодий инқироз таъсирини бартараф этишда прокуратура органларининг тутган ўрни масаласига янада ойдинлик киритишдан иборат эди.

Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш ва Юртбошимизнинг яқинда нашрдан чиққан «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли китобида зикр этилган чора-тадбирларни амалга ошириш прокуратура органларига ҳам алоҳида масъулият юкламоқда.

Шу маънода, тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар прокурори Баҳриддин Валиев муаммонинг нечоғли долзарб эканлигига қисқача тўхталиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг қамрови, хорижий мамлакатлар иқтисодиётига кўрсатаётган салбий таъсири ва бундай таъсирларнинг республикамиз иқтисодиётига дахл қилишининг олдини олиш борасидаги муҳим вазифаларга эътибор қаратди.

**— Бўлиб ўтган тадбирда Инқирозга қарши чоралар дастури ва Юртбошимизнинг юқорида номи зикр этилган китобида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида қандай фикрлар ўртага ташланди?**

— Республикамиз иқтисодиётига инқироз таъсирини камайтириш, бартараф этиш борасида шаҳар прокуратураси органлари олдида турган асосий вазифаларга тўхталар экан, шаҳар прокурори асосий эътиборни экспортга ихтисослашган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш суръатларини ушлаб туриш, кучайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш масалаларига қаратиш зарурлигига урғу бериб ўтди. Шунингдек, бундай вазифалар барчамизга бирдай масъулият юклашини айтиб ўтилди.

Йиғилишга таклиф этилган Тошкент давлат Иқтисодиёт университети кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Б.Тўхлиев ва катта ўқитувчи Х.Қурбоновлар йиғилганларга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг сабаб ва оқибатлари, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари хусусида батафсил маълумот бериб ўтишди. Шунингдек, доцент Б.Тўхлиев Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли китобида зикр этилган фикрлардан иқтибослар келтирар экан, унда белгиланган чора-тадбирларни изчил амалга оширишда олдимизда турган муҳим вазифалардан эканини таъкидлади.

Йиғилиш якунида маърузачи йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

**Шавкат ЁДГОРОВ,**
**«Ҳуқуқ» мухбири**



**Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Натижада тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйилиб, улар учун турли солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашда кўплаб енгиллик ва имтиёзлар яратиб берилди.**

**Аммо тадбиркорларимиз орасида ана шу имкониятлардан фойдаланишга фойдаланиб, имтиёзларни ўзларига ниқоб қилиб олган кимсалар ҳам учраб турибдики, уларнинг ноқонуний фаолияти ҳалол ризқ-насиба топаётганлар ишига тўсиқ бўлмоқда.**

# АЙЛАНМА ЙЎЛЛАР БИЛАН

Бундай ҳолатларга барҳам бериш борасида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ходимлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар Абдуманноб Ҳамдамов, Шавкат Таштаевлар бир гуруҳ бўлиб олдиндан тил бириктирган ҳолда Туркияда ишлаб чиқарилган 107,5 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги парда матоларини белгиланган божларни тўлашдан бўйин товлаб, айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикаси ҳудудидан олиб ўтиб, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчаси 28-уйда жойлашган «Раф-экспресс» МЧЖ ҳудудидаги омборда тадбиркорларга тарқатиш мақсадида сақлаётганликлари аниқланиб, ҳужжатсиз товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олинган. Фуқаролар А.Ҳамдамов, Ш.Таштаевларнинг ҳаракатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтишдан бўйин товлаш, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини жуда кўп миқдорда бузиш жинояти содир этилганлиги боис, уларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан жазо чоралари белгиланди. Уларга тегишли бўлган 107,5 млн. сўмлик товар мусодара қилинди.

Норматив ҳужжатлар асосида иш юритаётган тадбиркорлар қонун билан ҳимояланган. Ноқонуний фаолият билан шуғулланаётганлар эса албатта, қилмишига яраша қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

**Ҳусниддин НАСРИДДИНОВ,**
**Департаментнинг транспортда солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими катта инспектори**

# Қурилиш соҳасига эътибор

**Жорий йилнинг 14 апрель куни Андижон вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида қурилишда архитектура ва шаҳарсозлик қонун ҳужжатларининг ижро этилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**Вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси томонидан ўтказилган мазкур тадбирда фаолияти қурилишга ихтисослаштирилган тадбиркорлар, Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси, табиатни муҳофаза қилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри қўмиталарининг ҳудудий бўлимлари бошлиқлари, туман-шаҳар ҳокимлари иштирок этди.**

Ўтган давр мобайнида тадбиркорларга савдо, маиший ва ишлаб чиқариш объектлари қурилиши учун 5500 кв. метрдан зиёд ер майдони, 1,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, 31 та давлат тасарруфидаги мулклар инвестиция киритиш шарти билан бепул берилган.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят прокурорининг 1-ўринбосари М.Эгамбердиев кичик бизнес субъектлари томонидан 86.6 млрд. сўмлик қурилиш амалга оширилиб, 290 тадан зиёд объектлар ишга туширилганлиги, шу билан бирга бу жараёнда архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, инвестиция мажбуриятларини бажармаслик ҳамда бюджет маблағларини ўзлаштириш ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатиб ўтди. Охирги пайтда прокуратура органларининг мазкур йўналишдаги текширишларида корхона-ташкилотлар томонидан қонунга зид равишда тузилганлиги аниқланган 11 та далолатномаларни протест киритиш орқали бекор қилинган. Мутасадди корхоналар раҳбарларининг номига 28 та тақдимнома киритилиб, 10 нафар мансабдор шахс интизомий, 15 нафари маъмурий ва 8 нафари моддий жавобгарликка тортилган.

Бюджет муассасалари капитал қурилиши ва реконструкцияси учун ажратилган 1.9 млрд. сўмлик маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари бўйича 29 та жиноят иши қўзғатилиб, етказилган зарарнинг 1.4 млрд. сўми терговда, 500 млн. сўми судларга даъво аризалар киритиш орқали ундирилган. Ноқонуний эгаллаб олинган ер участкаларини давлат ихтиёрига қайтариш ҳақида фуқаролик судларига 41 та даъво аризаси юборилган.

Тадбирда қурилиш соҳасида вужудга келаётган муаммолар юзасидан берилган саволларга батафсил жавоб берилди. Мулоқот тарзида ўтган тадбирда соҳа йўналишига оид зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Б.УСМАНОВ,**
**Андижон вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори**

# КУЗГИ ҲОСИЛНИ ЎЙЛАМАГАН ФЕРМЕРЛАР

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» тажриба фермер хўжаликлари бирлашмаси «Ўткир ТК» фермер хўжалиги бошлиғи Т.Тоғаевнинг ўзбошимчалиги бундан ҳам ўтиб тушади. У хўжаликнинг 1399-контуридан фуқаро И.Норматовга 0,35 гектарни ва П.Йўлдошевга 0,30 гектарни 6 миллион сўмдан, Т.Бўриевга 0,20 гектарни, И.Зияевга 0,20 гектарни, Т.Хидировга 0,12 гектарни, Б.Зубаевга 0,15 гектарни 3 миллион сўмдан, Х.Бўриевга 0,60 гектарни 6,8 миллион сўмга, жами 2,09 гектар чигит экилиши лозим бўлган ер майдонларини томорқа сифатида сотиб юбориб, талон-торож қилган.

Афсусланарли томони шундаки, туман ҳокимлари Ў.Чўтбоев ва Б.Ҳайитов мазкур қонунбузилиши ҳолатларини кўра-била туриб, тегишли чораларни кўрмаганлар.

Музработ, Бандихон, Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Узун ҳамда Шўрчи туманлари ҳокимлари, соҳага мутасадди раҳбарларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлиги оқибатида чигит экилиши шарт бўлган майдонларга ўзбошимчалик билан бошқа экинлар экилишига йўл қўйилган. Жумладан, Денов тумани «Ҳазорбоғ» СФУ ҳудудидаги «Панжи» фермер хўжалигида пахта уруғлиги учун чигит экишга ажратилган 1,6 гектар ерга картошка, Шўрчи тумани «У.Дониёров» фермерлар уюшмаси «Отамурод» фермер хўжалигида 1,46 гектарга пиёз, «Жойилма» фермер хўжалигида 0,35 гектарга картошка, «Кўкдала Кўкалдош» фермер хўжалигида эса 1 гектарга беда, Узун туманидаги «Дўстлик» СФУ ҳудудидаги фермер хўжаликларида 1,2 гектарга, «Янги рўзғор» СФУда 1,8 гектарга, «Мустақиллик» СФУда 0,8 гектарга, «Гулистон» СФУда 1,1 гектарга, «Қоратоғ» СФУда 0,9 гектарга ва «Қ.Алиев» СФУда 1,2 гектарга карам, Жарқўрғон туманидаги «Оқтепа» СФУ ҳудудидаги «Галаботир Сурхон» фермер хўжалигида 0,30 гектарга картошка, «Н.Боймуродов» СФУдаги «Акмал» фермер хўжалигида 0,20 гектарга пиёз экилганлиги аниқланган. Прокуратура аралашуви билан ноқонуний экинлар буздирилиб, чигит экилиши таъминланди.

Қумқўрғон туманидаги бирқанча фермер хўжаликларида чигит экиш агротехникасига тўлиқ амал қилинмаган, ишлов берилмаган серкесак далаларга чигит экиб юборилган. Масалан, «С.Бойматов» СФУдаги «Музаффар Маманазаров» фермер хўжалигида 0,15 гектар, «Ўзбекистон» СФУдаги «Шохрух Равшанов» фермер хўжалигида 0,12 гектар, «Акбар Хўжақул ўғли» фермер хўжалигида 0,10 гектар, «Беш қаҳрамон» фермерлар уюшмаси «Нодир қизи Бўрихол» фермер хўжалигида 0,10 гектар ва «Н.Мирзаев» фермерлар уюшмасидаги «Нарзулла Мусурмонов» фермер хўжалигида 0,10 гектарга агротехника қоидаларига зид равишда ҳали тайёрланмаган далага чигит экилган.



Айрим фермер хўжаликларида чигит экишдан олдин пушта сувини олишда сув ресурсларидан самарали, тежаб-тергаб фойдаланилмасдан, исроф қилиш ҳолларига йўл қўйилган, сувчилар фаолияти устидан етарлича назорат ўрнатилмаган. Масалан, Бандихон туманидаги «Тўлангит Руслан», «Тарғопчиғой», «Элмурод Зокиров» фермер хўжаликларида суғориш чоғида сувдан исрофгарчилик билан фойдаланилган. Бу каби салбий ҳолатни Музработ, Қизириқ, Шеробод, Жарқўрғон, Узун ва Шўрчи туманларининг бир қатор фермер хўжаликларида ҳам учратиш мумкин.

Денов туманидаги Амир Темур номли ва Ш.Рашидов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳудудидаги фермер хўжаликларини уруғлик чигит билан таъминловчи шохобчаларда уруғ тарқатилаётганда ер тайёрлиги тўғрисида сертификатлар олинмаган, уруғлик чигитни ивитиш ва етказиб беришда белгиланган меъёр ва қоидаларга риоя қилинмаган.

Мўл ҳосил етиштиришда минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш агротехниканинг асосий қоидаларидан биридир. Бироқ бу қоидага ҳамма жойда амал қилинаяпти деб бўлмайди. Вилоят бўйича 35,5 минг гектар майдонга чигит минерал ўғит солинмасдан экилганини қандай баҳолаш мумкин? Жумладан, Деновда 8053 гектар, Қизириқда 6102 гектар, Шерободда 4622 гектар, Бандихонда 2785 гектар ерга чигит минерал ўғитсиз экилган.

Текшириш натижаларига кўра, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 8 та тақдимнома киритилди, 72 нафар шахсга нисбатан маъмурий ва интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди, қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида 276 нафар шахсга огоҳлантирув эълон қилинди, ўзбошимчалик билан экилган 31,6 гектар ер майдонидаги бошқа экинлар ўрнига чигит экилиши таъминланиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, прокуратура саъй-ҳаракати билан фермер хўжаликларига 20 тонна нефть маҳсулотлари, 21 нафар механизатор ва фермер хўжалиги аъзоларига 865 минг сўм иш ҳақи ундириб берилиши таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши доимий равишда вилоят прокуратураси органлари назоратида бўлишига эришамиз, албатта. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ҳисобланган жорий йилда бу айниқса катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**Муҳиддин ҚИЁМОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари**

# ҚОНУН УСТУВОР ЖОЙДА ТУРМУШ ФАРОВОН БЎЛАДИ

Амударё тумани иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Бугун далаларда иш қизғин. Ҳамма деҳқонга мададкор. Айниқса, Юртбошимизнинг 2004 йил 11 мартда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бунда бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

Қишлоқ хўжалиги борасида туманда 2008 йил муваффақиятли якунланди. Бу йил ундан ҳам каттароқ ютуқларни кўзлаяпмиз. Бунинг учун етарли асосга эгамиз. Аммо ҳамма гап имкониятдан қандай фойдаланишда. Лекин, афсуски, ўтказилган мониторинг баъзи корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликларида қонунларга риоя қилиш борасида камчиликлар борлигини кўрсатади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январь кунги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 8-сонли Қарори ижроси кўриб чиқилганида, тумандаги «Усенбоев Парахат» фермер хўжалиги раиси П.Усенбоев ушбу қарор талабларига биноан тугатилган «Зарбдор» жамоаси хўжалигига қарашли бўлган чорва ферма комплексини ким ошди савдоси орқали 2003 йил 1 февраль кунги шартномага асосан сотиб олган. Мазкур шартноманинг 2-бандига асосан комплекснинг умумий баҳоси 37 млн. 926 минг 148 сўмни 2008 йил 1 февраль кунига қадар тўлаб бўлиши лозим эди. Аммо ҳозирги кун ҳолатига фақатгина 3 млн. 600 минг сўмини тўлаб, қолган 34 млн. 326 минг 148 сўмини шартномада кўрсатилган муддатда тўламай келаётганлиги аниқланди, шунингдек, «Бектурсин» фермер хўжалиги раиси О.Юсупов ҳам тугатилган «Бердах» жамоа хўжалигига қарашли бўлган чорва фермер комплексини ким ошди савдоси орқали 2005 йил 5 март кунги шартномага асосан сотиб олган. О.Юсупов мазкур шартноманинг 2 бандига асосан чорва фермер комплекси умумий сотиш баҳоси 43 млн. 662 минг 96 сўмни 2008 йил 5 март кунига қадар тўлаб бўлиши лозимлигига қарамасдан, ҳозирги кун ҳолатига фақатгина 6 млн. 128 минг сўмини тўлаб, қолган 37 млн. 534 минг 100 сўмини тўламай келаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича исмлари кўрсатилган фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 167-моддаси 3-бўлими билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Сув ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаси бўйича «Юсуф хўжа», «Шўр қалъа», «Вахум ёп», «Сейтбой», «Болтабой чигирчи» ва «Хайитимбатов Юлдош» фермер хўжаликлари раҳбарлари ер майдонлари шўрини ювиш жараёнида чекланмаган ҳолда меъёрдан ортиқ сув исроф қилиб, сувдан хўжасизларча фойдаланилишига йўл қўйганликлари аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан фермер хўжаликлари раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 74-моддаси 2-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, натижаси бўйича қонуний чора кўрилган.

Фақат, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан 2009 йилнинг 1 кварталида ўтказилган текширишлар натижасида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ва олдини олиш бўйича 12 та тақдимнома киритилиб, ушбу тақдимномалар натижаси бўйича 12 нафар шахс маъмурий, 5 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган, 48 нафар шахс расман огоҳлантирилган.

Тан олиш керак, бу каби қинғир ишлар, қонунларни бузиш ҳолатлари 2008 йили эришган ютуқларимизга соя солади. Қонунбузарларга қарши нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, балки уларнинг виждони пок ҳамкасблари, маҳалла-кўй, кенг жамоатчилик курашиши керак. Бунинг учун эса аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксак бўлиши талаб этилади. Шу боис, туман прокуратураси туман ҳудудидаги 87 та мактаб ва коллежларда ўқувчилар билан ҳуқуқий мавзуларда савол-жавоблар, маҳалла меҳнат жамоаларида аҳолига ҳуқуқий ёрдам бериш учун учрашувлар ўтказишни йўлга қўйган. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида 65 та ана шундай тарғибот-ташвиқот тадбири ўтказилди. Бевосита прокуратуранинг ўзига мурожаат қилган 91 нафар фуқаронинг аризаси қонуний ҳал қилинди.

Туманимизда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2009 йил 3 феврал кунги қарори асосида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурининг ижросини таъминлаш ва мониторинг қилиб бориш бўйича комиссия ташкил қилинган.

Дастурга асосан жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 385 та уй қуриш, 3 та савдо, 2 та умумий овқатланиш, 6 та маиший хизмат кўрсатиш объектини ишга тушириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонини 88100 тага етказиш, камида 5 та енгил конструкцияли иссиқхона ташкил этиш ва бошқа кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Умуман «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурининг ижросини таъминлаш учун туманимиз бўйича 14 млрд. 414 млн. сўм сарфланади. Ҳозир кўпгина объектларда қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Ушбу режанинг амалга ошиши қишлоқларимизнинг янада чирой очишига, аҳолининг турмуш даражаси ошишига, бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Тенгелбай БЕКМУРАТОВ,**
**Амударё туман прокурори**

# Қишлоқда коммунал хизмат муаммолари

**Фарғона вилоят прокуратурасида коммунал ва транспорт хизматларини кўрсатиш, коммунал тўловлар учун қарздорликни камайтириш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишни вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари А.Сангинов олиб борди. Вилоят прокуратураси бўлим прокурори Б.Джураев маърузасида мутасадди идораларнинг фаолиятлари таҳлили ҳамда бевосита туман ва қишлоқларга бориб ўрганиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, уларни келтириб чиқарган шарт-шароит ва сабабларни кўрсатиб ўтиш билан бирга, муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида сўз юритди.**

Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бўйича дастурий режалар бажарилмай қолган. Кўзда тутилган 101 та қишлоқнинг 89 тасига ичимлик сув ва қувурлари тортилган холос. 117 та қишлоқдан 24 тасига газ қувурлари етиб бормаган. Ушбу жойларга транспорт, ичимлик сув, балонли газ етказиб беришда узилишлар одатий тусга кирган.

Табиий газ ва ичимлик суви қувурларини ўтказишда сусткашликка, ортиқча харажатларга йўл қўйилган. Жумладан, Фурқат туманининг қишлоқ аҳолисига ичимлик суви етиб бормаган. «Оби ҳаёт» МЧЖ томонидан 1,4 млн сўм ортиқча харажат қилинган. Сметада кўрсатилганига нисбатан 1,3 млн сўмлик иш бажарилган.

Қиш ойларида газ қувурларида газ босими камайиб, айрим қишлоқларга умуман етиб бормаяпти. Ва бу аҳолининг ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон туманидаги бир қанча қишлоқларда бир ой мобайнида газ ёнмаган. Айрим шахслар табиий газ тармоғига ноқонуний уланиб, фойдаланишган. Оқибатда, тармоқдаги босим камайиб кетган.

Қишлоқ жойларида электр узатишда узилишлар одат тусига кирган. Айрим қишлоқларда бир кеча-кундузда электр чироқлари атиги тўрт-беш соат ёнади. Қишлоқ туманларига электр энергияси 30 фоизгача узатилаяпти, холос. Кеч-қурунлари чироқлар тез-тез ўчиб қолади. Бунинг сабабларидан бири электр трансформаторлар эскирган. Уларнинг аксари 30-40 йил аввал ўрнатилган. Газ ва электр таъминотидаги узилишларнинг яна бир сабаби, айрим улгуржи истеъмолчилар тармоққа ноқонуний уланиб олишган.

Маърузачи коммунал тўловлар борасидаги қарздорлик сезиларли даражада камайиб бораётганини кўрсатиб ўтди. Жумладан, электр энергияси учун тўловлар 78,3 фоизда қолиб кетган. Марғилон шаҳрининг «Наврўз» МФЙда яшовчи 9 нафар фуқаро 4,5 млн сўм электр ҳақини тўламай келишган. Вилоят электр тармоқлари корхонаси айрим мансабдор шахсларининг масъулиятсизлиги ва ҳудуд нозирлари устидан назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида айрим фуқаролар рухсат олмасдан, шартнома тузмасдан тармоққа уланиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишига йўл қўйилган.

Йиғилишда «Сувоқова», «Водийгазтаъминот», «Электр тармоқлари» корхоналарининг масъул мансабдор шахслари камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳисоб беришди.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари А.Сангинов якунловчи сўзида қишлоқларни ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш дастурини тўкис бажариш, коммунал тўловлардан қарздорликни камайтириш борасидаги тегишли идораларнинг вазифаларини кўрсатиб ўтди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Ниқиқ» мухбири**

## Интиқом олиш ва жазо беришга қодир бўла туриб, авф этиш ажойиб фазилатдир.

Ярашув тўғрисидаги институтнинг амалиётда кенг қўлланилаётганлиги том маънодаги демократик жараённинг ёрқин кўринишидир. 2009 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^1$-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонун билан ярашув доирасига кирувчи жиноят турларининг кенгайтирилиши, бу институтнинг истиқболли эканидан далолат беради.



**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида янгиланиш сари рўй бераётган ўзгаришлар, хусусан суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бизга маълумки, жиноят қонунларининг асосий вазифаси жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, қайта тарбиялаш ҳисобланади. Агар бу борада жиноят содир этган шахсни жазоламасдан туриб ҳам уни ахлоқан тузатиш имкониятлари мавжуд бўлса, нимага бу имкониятдан фойдаланмаслик керак?**

# Ярашув тўғрисидаги ишларни судда кўришда прокурор иштироки

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг киритилиши БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан жиноят ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари Декларацияси талабларига мос келади.

Жазо чораларининг бу тарзда ислоҳ этилиши, биринчидан, жиноий жазоларнинг асосли ва адолатли қўлланилишини таъминлайди, шахс, давлат ва жамиятга етказилган моддий зарарни қоплайди, иккинчидан, қамоқда ётган маҳбусларнинг қарамоғида бўлган оила аъзоларини таъминотсиз қолдирмайди ва энг муҳими, жазога тортилган фуқароларнинг маънавий, ахлоқий, руҳий, ҳаттоки, жисмоний жиҳатдан соғлиғини сақлайди.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига қонун билан юклатилган мажбуриятлардан бири ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га тушунтириш шартлигидир. Қонуннинг ушбу талабига риоя этмаслик ярашув тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг бекор қилинишига асос бўлиши мумкин.

Шуни назарда тутиш кераккки, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) фақат биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашишдан воз кечишга ҳақли.

Ярашув тўғрисидаги қонун нормалари қўлланишининг тезкорлигини таъминлаш ва кафолатлаш, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида ярашув тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқариш ва судга юбориш учун қонунда белгиланган ўн суткалик муддатга қатъий риоя қилинишини назорат қилиш прокурор вазифасига киради. (ЖПКнинг 584-моддаси).

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади. Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилар, прокурор иштирок этади (ЖПКнинг 585-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги 2004 йил 11 майдаги 21-сонли буйруғида ҳам ярашув тўғрисидаги ишлар судда кўрилишида прокурор иштироки мажбурийлиги қайд қилинган.

Қонун суднинг иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ҳолларда юқорида кўрсатилган шахслардан ташқари ўзга шахсларни ҳам ишга жалб этиш ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ваколатлардан фойдаланиш ҳуқуқини чекламайди[1] .

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, қонунда суд муҳокамасини олиб боришнинг алоҳида тартиби ҳамда ярашув туфайли ишни тугатиш масаласини ҳал этиш чоғида суд аниқлаши шарт бўлган ҳолатлар доираси белгиланган. Жумладан, суд: ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабини; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлигини; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини; жабрланувчи (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлигини; етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари розиликларини аниқлайди. Шундан сўнг суд ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини эшитади. Агар суд мажлиси давомида юқоридаги талаблар тасдиқланмаса, шунингдек содир этилган қилмишда янада оғирроқ жиноят белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд ишни умумий асосларда дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради (ЖПКнинг 585-моддаси). Бундай ҳолатда ишда иштирок этаётган прокурорнинг ўзи, шундай ажрим чиқарилишининг ташаббускори бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг юқорида қайд қилинган буйруғида «Ярашув тўғрисидаги ишларнинг кўрилишида прокурор ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказилмаганлиги ва бошқа масалаларни синчковлик билан текширилиши орқали қонуний ажрим чиқарилишига кўмаклашсин», деб кўрсатилган.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш пайтида шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу ҳуқуқий институт фақат Жиноят кодексининг $66^1$-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятлардан бирортасини биринчи марта содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин. Агар шахс бир неча жиноят содир этган бўлиб, улардан бири Жиноят кодексининг $66^1$-моддасида кўрсатилган бўлса, ишнинг шу қисми Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган тартибда тугатилиши мумкин, лекин бу тартиб такрорийлик белгисини берадиган жиноятларга татбиқ этилмайди[2] .

Жиноят иши умумий тартибда кўриб чиқилаётган пайтда биринчи инстанция суди шахснинг ҳаракатларини Жиноят кодекси махсус қисмининг ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун имконият берувчи (ЖКнинг $66^1$-моддаси) бошқа моддасига қайта малакалаш зарурлиги тўғрисида хулосага келса ва ишда ЖПКнинг 585-моддасида белгиланган ярашувга монелик қилмайдиган барча ҳолатлар мавжуд бўлса, суд ўзининг ажримида судланувчининг ҳаракатини қайта квалификация қилиб, ярашганлик муносабати билан ишни тугатади[3]. Бундай ҳолатда ҳам прокурорнинг фикри тингланади.

Жабрланувчи билан айни бир вақтнинг ўзида ишда фуқаровий даъвогар ҳам қатнашган ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритишни бошлаш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт. Иш бўйича бир гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бир нечта жабрланувчи бўлган ҳоллар учун ҳам қонунда айнан шундай талаб белгиланган. Жабрланувчиларнинг бирортасидан тегишли ариза бўлмаган ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас. Бундай ҳолда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда олиб борилади[4] .

Жамиятда хориж тажрибаси асосида низоларни ҳал этишнинг янги ноанъанавий шакллари пайдо бўлиши давр тақозосидир. Прокурорнинг вазифаси бу шаклларни ўтмишда кўп бора бўлгани сингари бузиб юборилишга йўл қўймасдан янада ривожлантириб боришдан иборат. Шу боисдан унинг бутун кучғайрати жабрланувчи билан ярашганлиги туфайли жазодан озод қилинган айбдор шахслар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга, ҳуқуқий демократик давлат асослари барпо этила бориши билан вужудга келадиган бу каби янгиликлар аҳамиятига путур етказилишга йўл қўймасликка қаратилмоғи лозим.

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**
**Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси**

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2002 йил 25 октябрдаги 25-сонли қарорининг 7-банди.
[2] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қайд қилинган қарорининг 10, 11- бандлари.
[3] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қайд қилинган қарорининг 12-банди.
[4] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қайд қилинган қарорининг 2-банди

# ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ КЕНГАЙТИРИЛДИ, ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Шу маънода, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари даврида аниқроғи, 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Хусусан, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини кенг қўллаш ҳамда қилмишнинг оғирлик даражаси, жиноят содир этган шахснинг ўз айбини тушуниб, унга иқрор бўлганлиги, жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қопланганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш қонунга киритилди.

Томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг жиноят кодексига киритилиши, суд-ҳуқуқ соҳасида катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки, агар айбдор жабрланувчи билан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилса, аввваломбор у судланган ҳисобланмайди, маҳкум ўз оиласи бағрида қолиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишни давом эттиради, ўз оиласига моддий, маънавий томондан ёрдами тегади. Оилани мустаҳкамлигига путур етмайди. Бир сўз билан айтганда, бу қонун шахсни огоҳликка чорлайди.

Қонунни қўллашдаги юқоридаги афзалликлар шахс манфаатига хизмат қилса, бошқа томондан маҳкумларни жазони ўташ билан боғлиқ бўлган барча харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилиши ҳисобга олинадиган бўлса, мазкур маблағлар ҳам маълум миқдорда тежаб қолинади.

Мана шу муҳим ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан ўтган 2008 йил ва 2009 йилнинг 1-чорагида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар туман судлари томонидан 2377 нафар шахсга нисбатан 2254 та жиноят иши кўрилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^1$-моддасига биноан ярашилганлиги муносабати билан тугатилган.

Ҳаётнинг ўзи барча соҳада ислоҳотларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида бошқа долзарб масалалар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^1$-моддасига ўзгартиришлар киритилди. Маълумки, 2001 йилда Жиноят кодексининг 26 та моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан ярашув қўлланилган.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^1$-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонунига кўра, эндиликда Жиноят кодексининг 31 та моддасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган 42 та жиноят бўйича ярашилганлик муносабати билан жиноий жазодан озод қилиш қўлланилиши белгилаб берилди.

Демак, ўзгартирилган янги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^1$-моддасидаги жиноятлар доираси бир мунча кенгайтирилди. Жумладан, жорий йилнинг 7 апрелидан бошлаб, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, хат ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, меҳнат қилиш ҳуқуқини, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, безорилик (277-модданинг 1-қисми) каби ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган, ярашув шартларини тўлиқ бажарган шахслар ЖКнинг $66^1$-моддаси асосида жавобгарликдан озод этилишлари мумкин.

**Мирзоҳид ОБИДОВ,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари**



**Она — ҳар нарсадан улуғ ва мўътабар зот. Унга ҳар қанча яхшилик қилсак ҳам, у зот олдидаги қарзимизни узолмаймиз. Шу сабаб, дунёдаги барча муқаддас нарсалар бевосита она номи билан изоҳланади.**

**Минг афсуски, бу дунёда онасига бирор яхшилик қилиш у ёқда турсин, аёвсиз ҳақоратлайдиган, ҳаттоки қўл кўтаришгача бориб етадиган нобакорлар ҳам йўқ эмас экан.**

# ОНАСИНИ УРГАН КЎРНАМАК

Яқинда туманимиз аҳли ана шундай мудҳиш ва кечириб бўлмас воқеадан огоҳ бўлишди. Айниқса, Ҳамза номли фермерлар уюшмаси маҳалласида яшовчилар ўз қишлоқдошлари Сакен Ходжамқуловнинг ўз онасига қўл кўтариб, оғир гуноҳни бўйнига олгани ва бу билан бир умр виждон азобида қийналиб азоб чекишини аниқ билишади.

2008 йилнинг 22 август куни оиласи билан биргаликда туманлаги бувисиникига меҳмонга борган Сакен аввалига яхши ўтирди. Аммо муқаддам икки марта судланиб чиққанига қарамай, ақлини йиғиб олмаган Сакеннинг кўнгли бирданига ичкилик тусаб қолди.

Шу мақсадда уйдан чиқиб, яқин орадаги дўкондан икки шиша вино сотиб олди. Сўнг уйига келиб, чеккадаги омборхонада уни бир ўзи «сипқорди». Ғирт маст ҳолда уйига кирган Сакенга хотини алланималар деди. Турган гапки, маст одамга бу ёқмади. У ҳе йўқ, бе йўқ хотинига шапалоқ тортиб юборди. Уларни ажратаман деб ёпишган онаси ҳам фарзандининг муштидан бебаҳра қолмади. Кўзи қонга тўлган Сакен бу билан ҳам қаноатланмади: онасини уриб-тепиб, аёвсиз дўппослай бошлади. Сўнг қўлига илинган пичоқни онасининг бўйнига тортди...

Минг шукрки, шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан муштипар онанинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Она барибир она-да! Судда жабрдийда онаизор нобакор ўғлини кечиришларини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб ёлворди. Ўғил ҳам мастликда онаси билан хотинини адаштириб юборганлигини бот-бот такрорлади.

Қизиқ. Хўп, адашган ҳам дейлик. Унда у умр йўлдошининг қотили бўлиши мумкин эди-ку?

Сакен Ходжамкулов унинг учун жонидан-да кечишга, ҳар қандай хатога қўл урмасин, доимо кечиришга тайёр муштипар онасига қўл кўтариб катта гуноҳ қилди. Барибир қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, ёру биродарлари орасида юзи қора, энди у содир этган қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур. Суд Сакен Ходжамкуловга 4 йилга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

**Қобилжон АТАХАНОВ,**
**Қуйичирчиқ тумани жиноят ишлари бўйича суди раиси.**
**Холида ИГАМБЕРДИЕВА,**
**журналист**

**Юртимизда инсон шаъни, қадр-қиммати олий қадрият даражасига кўтарилиб, фуқароларимизнинг тинч-фаровон ҳаёт кечиришлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.**

**Ҳа, бугун Ватанимиз обод, дастурхонларимиз тўкин. Ҳеч кимдан кам эмасмиз. Кексаларимиз ҳурматда, ёшларимиз эса ўқиб-билим олишлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Лекин минг афсуски, «гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, айрим нопок шахслар содда фуқароларимизни «чет элда яна ҳам кўпроқ даромад топасиз» деб алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, охир-оқибатда аянчли ҳолатларда қолдираётганликлари ҳеч кимга сир эмас.**

# АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ



Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича судлари томонидан одамлардан фойдаланиш учун ёллаш, шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб судланган шахслар сони 2008 йилда 63 тани ташкил қилган.

Хўжайли туманида яшовчи фуқаро Н.Бахимбетовнинг суднинг қора курсисида ўтириб, афсус-надомат билан пушаймонлик билдиргани билан суд ҳайъати унинг аҳволини енгиллатишга ҳеч бир асос топмади. Сабаби, муқаддам жиноят содир этиб судланган ушбу шахс Хўжайли туманида истиқомат қилувчи ўз юртдошлари А.Таженов, К.Нажиматдинов, Ж.Муханов, вояга етмаган К.Муханов, А.Юсупов, Ж.Худойберганов, С.Қиличбоев, М.Қиличназаров, Т.Қосберганов, Т.Ешимбетов, Д.Ешимбетов, Э.Жуманов ва И.Аметовларнинг ишонувчанлигидан усталик билан фойдаланди. У уларни «Қозоғистоннинг Мангистау вилоятида заводда яхши даромадли иш бор, ойига 30 минг тенга иш ҳақи оласизлар» деб алдаб, Қозоғистон Республикасига олиб бориб ҳамтовоқларига сотиб юборди. Оқибатда бу фуқаролар оғир меҳнат шароитларида ишлаб, қоринлари тўйиб овқат емасдан қийналиб, ҳақларини ололмасдан минг азобда уйларига етиб келганларини суд мажлисида кўзларида ёш билан айтиб бердилар. Судланувчи Н.Бахимбетов ўз айбига иқрор бўлиб, тегишли жазосини олди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бу каби жиноятлар биз муқаддас деб билган аёллар ўртасида ҳам содир этилаётгани ачинарлидир. Айрим аёллар мўмай даромад эвазига ёш-ёш қиз-жувонларни фоҳишалик қилиш учун ёллаб, аёл деган номга, ориятли қизларимиз шаънига иснод келтирмоқдалар.

Азиз ватандошлар, инсон бир маротаба дунёга келади. Огоҳ бўлинг! Баъзи нияти бузуқ шахсларнинг сохта ваъдаларига учиб алданиб қолманг. Ана шунда наинки ўзингиз, балки оила аъзоларингиз, яқинларингиз, борингки бутун жамиятимизни ҳар хил ташвишу изтироблардан халос қилган бўласиз.

**Анажон РАЗЗАҚОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари**

# «Китобсавдоси» ва 15 та дўкон



Республика Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси хўжалик судига шикоят ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Китоб савдоси» АЖнинг тугатиш массаси таркибидан 5 та китоб дўконини чиқариш ва уларни Тошкент шаҳар ҳокимиятининг балансига қайтаришни сўраган эди. Ўз навбатида жавобгар — «Китоб савдоси» АЖ вакили эса аризачининг талабларига эътироз билдириб, ушбу талабларни рад этишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар «Китоб савдоси» АЖнинг кредиторлари — Миробод туман ДСИ ва «Ўзкитобсавдо» ДАК вакиллари жавобгарнинг жуда кўп миқдордаги кредиторлик қарзлари мавжудлигини, шу боис тугатиш массасига киритилган 15 та китоб дўконини сотишдан тушадиган пул маблағлари ҳисобига ушбу қарзларни ёпиш кутилаётганлигини билдиришди.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, важларини тинглаб, муҳокама қилди ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқди. Шунингдек, прокурорнинг фикрини тинглаб, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Хўш, гап нима ҳақида бормоқда?

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, жавобгар «Китоб савдоси» акционерлик жамияти Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 26 майдаги ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган. Шундан сўнг корхонани тугатиш жараёни бошланган.

«Китоб савдоси» АЖни тугатиш ишларини амалга ошириш жараёнида тугатиш бошқарувчиси томонидан даъво қилинаётган 15 та китоб дўкони тугатиш массасига киритиб юборилган. Ваҳоланки, аризачи — Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ушбу китоб дўконлари давлат мулки эканлигини ва «Китоб савдоси» АЖнинг тугатиш бошқарувчиси уларни тугатиш массасига асоссиз киритганлигини билдирган.

Мазкур низони судда кўриш жараёнида ҳақиқатан шикоят аризада келтирилган 15 та китоб дўкони «Китоб савдоси» АЖга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаганлиги аниқланди. Сабаби, ушбу китоб дўконлари аслида Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада китоб савдоси тизимини takомиллаштиришга оид чора-тадбирлар ҳақида»ги 2002 йил 3 августдаги 279-сонли қарори асосида республика ҳудудида китоб савдосини ривожлантириш ҳамда «Ўзкитобсавдо» ДАКнинг устав фондида давлат улуши миқдорини ошириш мақсадида бошқа ҳудудий тузилмалар қаторида «Китоб савдоси» АЖнинг балансига ўтказилиши лозим бўлган. Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида даъво қилинаётган китоб дўконларини «Китоб савдоси» АЖнинг балансига мулк ҳуқуқи асосида ўтказиб бериш назарда тутилмаган. Қолаверса, «Китоб савдоси» АЖ ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан ҳатто мазкур низоли китоб дўконларини ўз вақтида «Китоб савдоси» АЖнинг балансига ўтказиб бериш ҳамда ушбу дўконларнинг фаолиятини мунтазам йўлга қўйиш чоралари кўрилмаган. «Китоб савдоси» АЖ мутасаддилари фақатгина Миробод туман ДСИ томонидан уни банкрот деб топиш ҳақида хўжалик судига ариза тақдим этилгандан сўнг китоб дўконларини ўз балансига олиш ва уларга нисбатан кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ишларини бошлашган. Суд кунига қадар бу дўконларнинг 7 таси «Китоб савдоси» АЖга хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида тегишли эканлиги ҳақида кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишига эришилган. Бу ҳолатлар ҳам ўз-ўзидан низоли бўлган 15 та савдо дўкони «Китоб савдоси» АЖга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўла олмаслигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 130-моддасида эса тугатиш массасига қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулки бўлмаган мол-мулклар киритилмаслиги кўрсатилган.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 135-138-моддаларини қўллаган ҳолда суд даъвони қисман қаноатлантириб, «Китоб савдоси» АЖнинг тугатиш массаси таркибидан 15 та китоб дўконини чиқариш ҳақида қарор қабул қилди.

**Гулмира ТАИРОВА,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси**

# «ФИРИБГАР» ТЎНИНИ КИЙИБ...

Инсон зоти борки, орзу-ҳавас билан яшайди. Айнан шу орзу уни эзгулик сари етаклайди. Институтни тугатиб, банк мутахассислиги бўйича дипломни олгач, Бухорога — ота-онаси бағрига қайтганида Жўрабекнинг ҳам орзулари бисёр эди.

«Энди астойдил ишлаб, ўз соҳамни амалиётда мукаммал ўрганишим, ота-онам, устозларимнинг ишончини оқлашим лозим. Бунинг учун эса тинмай изланишим лозим», дея ўзига-ўзи сўз берган йигит иш қидириб қийналмади. 2005 йилнинг январь ойида АТ «Пахтабанк»нинг Шофиркон туман филиалига қарашли Ш.Рашидов номли минибанкда мутахассис бўлиб иш бошлади. Орадан уч ой ўтиб, филиал бош ҳисобчисининг ўринбосари лавозимига кўтарилди. Ҳалол ва тўғри ишлаётган ўринбосарнинг ишлари юришиб, жамоада ҳурмати ошди. Ошна-оғайнилари кўпайди. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмади. Ҳаёт — синов дейдилар. Жўрабек бу синовдан ўта олмади.

2006 йил июль ойи. Кунларнинг бирида тумандаги Мугиён кўчасида яшовчи Э.Мансуров 9 млн. 700 минг сўм пулини жамғармага қўйиш учун олиб келди. Жўрабек унга пулларни қабул қилганлиги ҳақида қалбаки квитанция бериб, маблағни банк кассасига топширмай ёнига урди. Буни қарангки, осон келган даромаднинг «ҳазм» бўлиши ҳам осон кечди.



Куз ойларининг бирида Когон шаҳрида яшовчи таниши Ҳасан Абидовнинг уйида меҳмон бўлган Жўрабек мезбондан қарз сўради. У банкда ишлашини пеш қилиб, ёнидаги АТ «Пахтабанк» Шофиркон туман филиалининг муҳри босилган квитанцияга «пластик карточкани тўлдириш учун» деб ёзиб, имзоларни ўзи қўйди. Жўрабекнинг гапига лаққа тушган Ҳ.Абидов 30 млн. сўмни қандай қилиб меҳмоннинг қўлига тутқазганини билмай қолди. Жўрабек бўлса қарзни тез орада нақд ёки пластик карточкага тушириб, олиб келишга ваъда берди. Албатта, у бу ерга келишидан олдин ҳаммасини режалаштириб қўйган эди. Шунинг учун ҳам Ҳасан Абидов меҳмон уни чув тушириб кетганини хаёлига ҳам келтирмади.

Шофиркон тумани «Регион» қишлоғида истиқомат қилувчи З.Хайитова ҳам Жўрабекка нақд 12 млн. 200 минг сўмни топшириб, «доғда» қолганлардан. Фирибгар банкир З.Хайитованинг қўлига АТ «Пахтабанк» Шофиркон туман филиалининг муҳри босилган қалбаки квитанцияни тутқазди. Орадан анча вақт ўтиб пулларни сўраб келганда эса 2007 йилнинг биринчи апрелигача 3 фоиз устамаси билан қайтариб бериш тўғрисида тилхат ёзиб берди. Бироқ ваъдани бажаришга келганда...

Жўрабек бир гал қилмишларига АТ «Пахтабанк» Гала-Осиё филиали ходимларини ҳам шерик қилди. Бухоролик Содиқ Муродов ҳамда Шаҳзод Шариповларнинг номига Дубайдан олиб келинган бешта хориж автомашинасининг божхона тўловларини амалга оширишга бел боғлаган Жўрабек улардан 3 млн. 749 минг 900 сўмни олди-ю, пулларни АТ «Пахтабанк»нинг Гала-Осиё филиали кассасига топширганлиги тўғрисида сохта квитанция тайёрлади. Аммо бу сафар ҳам пулларни банкка топширмай, ёнига урди.

2006 йил 15 ноябрь куни Бухоро шаҳрининг «Ўтрор» қишлоғида яшовчи фуқаро Умид Ҳайдаровнинг 48 млн. сўм пулини банк курси бўйича АҚШ долларига алмаштириб бериш ҳақидаги илтимоси Жўрабекка «мой»дек ёқиб тушди. Мижозининг «ҳожати»ни чиқаришни ўзи учун «шараф» деб билган ўринбосар бу сафар ҳам пулларни кассага топширмай, қалбаки ҳужжат тайёрлади.

Охир-оқибат Жўрабек Тўраевнинг «устамон»лиги шу даражага етдики, талабалик пайтидан қадрдони бўлмиш Лазиз Жўраев ҳам унинг алдовларига қандай учганини билмай қолди.

— Жўрабек билан институтда бирга таҳсил олганмиз. Ўқишни битиргач, анча вақт ўтиб, уни Бухоро шаҳрида учратиб қолдим. Мен «Ўзсаноатқурилиш банк»нинг Бухоро бўлимида фаолият юритаётган эдим. Жўрабек ҳам банк соҳасида ишлаётган экан. 2006 йилнинг декабрь ойида ҳамқишлоғим Фарҳод Давлатов ўзининг «Илёс-Алишер» деҳқон хўжалигининг ҳисоб рақамига топшириш учун пул олиб келди. Унга пулларни АТ «Пахтабанк»нинг Шофиркон туман филиалига топширишни маслаҳат бердим. Пуллар тўғри ҳисоб рақамига тушишини айтдим. Фарҳод рози бўлгач, пулни олиб Шофиркондаги «Пахтабанк»ка келдик. Банк ташқарисида Жўрабек биздан пулларни олиб, квитанция чиқариб берди. Унда банкнинг муҳри босилган эди. Орадан икки кун ўтиб Фарҳод Давлатов менга қўнғироқ қилиб, пул ўз ҳисоб рақамига тушмаганлигини билдирди. Бунинг сабабини Жўрабекдан сўраганимда, у ёлғон гапириб мени алдади. Аслида Жўрабек пулларни нима мақсадда ишлатганини билмайман. Бегоналар ўз йўлига, Жўрабек мени — талабалик нон-тузини бирга баҳам кўрган қадрдонини ҳам субутсиз қилди, ўзгалар олдида уялтирди, — деб судда кўрсатма берди Л.Файзиев.

Суд судланувчи Жўрабек Тўраевнинг ҳужжатларни такроран қалбакилаштириш ҳамда фирибгарлик йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги пул маблағларини қўлга киритиш жиноятларини содир қилганликдаги айбига иқрорлигидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатмаларини ҳам инобатга олди. Ҳукм ўқилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Суднинг қора курсисида ўтирганида Жўрабек Тўраевнинг кўз ўнгидан ундан эзгулик кутган яқинлари, ўзи ўқиган институт, устозлари, курсдошлари бир-бир ўтмадими? Бўлиши мумкин. Бироқ энди афсусдан фойда йўқ. Аммо... У эндигина ўттиз ёшга кирди. Ҳали олдинда уни қанча сарҳадлару эзгу ишлар кутмоқда. У хатоларини тузатиб, эл олдида ёруғ юз билан юрадиган вақтлар келади. Бунинг учун эса фақат виждон амрига бўйсунса бас. Зеро, Жалолиддин Румий айтганидек, «Неъматга шукр этиш ўша неъматнинг ўзидан ҳам яхшироқдир».

**Азизбек АҲМЕДОВ,**
**Вобкент туман прокурори.**
**Шомурод ЭРГАШЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди раиси**

# ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР...

Ҳаммаси оқибатини ўйламай олинган катта-катта қарзлардан бошланди. Олмоқнинг бермоғини ўйламаган қаллоб, охир-оқибат ўз қариндошларининг мулкига кўз тикди. Аммо у ўйлаган ниятлар сароб бўлиб чиқди. Бунинг касрига ёш бир умрнинг хазон бўлгани қолди.

Бахтиёр Избосаров 2007 йилнинг декабрида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида яшовчи таниши М.Қаҳҳоровани алдаб, икки ойда қайтариб бериш шарти билан 7 миллион сўм пулни қарз сифатида олади.

2008 йилнинг 4 мартида шу туманнинг Пайшанби шаҳарчасида яшовчи Ю.Орзиевни алдашнинг ҳам уддасидан чиқади. 3 кун ичида қайтариб беришни ваъда қилиб, ундан ҳам 7 миллион сўм қарз олади.

Кўп ўтмай, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Д.Аҳмедовани алдаб, бир ҳафтада қайтариб бериш шарти билан 2 миллион 200 минг сўм пулни қўлга киритди.

Д.Аҳмедованинг ҳамшаҳари З.Қодирова ҳам фирибгарга чув тушди. Тушганда ҳам анча кўпга тушди: У 14 миллион 500 минг сўм ва 700 АҚШ долларини сохта ваъдаларга ишониб, Б.Избосаровнинг қўлига топширди.

Унинг ваъдалари шу қадар антиқа ва шу билан бирга ишонарли чиқардики, кишилар лаққа тушганини сезмай қолишарди.

Куз келиб, Бахтиёр «бахти»ни бошқа жойлардан ҳам қидириб кўришга қарор қилади. Энди у Нурота томонларга ўтади. 4 сентябрь куни Нурота шаҳрида истиқомат қилувчи, ўзига қўшни бўлган К.Абдуллаевни алдаб, унинг 50 бош майда шохли молини олиб ғойиб бўлади. У бу молларни пуллаб, пулини олиб қарзини қоплаш учун М.Қаҳҳоровага бериб юборади.

Бахтиёр Избосаров бу билан ҳам кифояланиб қолмади. Жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Навоий шаҳрида яшовчи таниши Прим Шариповга омухта ем олиб келиб беришни ваъда қилиб, унинг 3 миллион 600 минг сўм нақд пулини чўнтакка уради.

Навбаҳор туманида яшовчи таниши Л.Боевга темир қувурлар олиб келиб беришни ваъда қилиб, унинг 1 миллион 100 минг сўмини, 500 АҚШ долларини қўлга киритади.

Навоийлик Э.Умаров ҳам фирибгарнинг алдовларига ишонди, фирибгар Избосаровга 400 минг сўм пулни қарз бериб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Шу тариқа Бахтиёр Избосаров фирибгарлик, яъни алдов ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгаларнинг 38 миллион 800 минг сўм ҳамда 1200 АҚШ долларини қўлга киритади. Лекин булар қарз, еб кетарга беришмаган.

Бундай оғир аҳволдан чиқишнинг йўли борми, нажот эшиги қаерда?!

Бахтиёр Избосаров нажот эшигини янада қалтисроқ жиноят кўчасига киришда деб билди.

У шундай кунларнинг бирида таниши Алижоннинг таклифи билан Бухорода яшовчи катта бир мулланинг дуосини олишга борадиган бўлишди. Гўёки шу орқали иши юришиб кетиши керак эди.

Бахтиёр ва Алижон йўлга тушдилар. Бахтиёр ўғлини ҳам эргаштириб олган эди. Йўлда у тоғасининг пули кўплигини гапириб қолади. Шунда Бахтиёрнинг бўйи баравар қарзи борлигидан хабардор Алижон «Қайнакангдан қарз сўрасанг, бермайдими? Пуллари бор экан-ку», деб қолди.

Улар Олотга келишди, мулланинг дуосини ҳам олишди. Қайтмоқчи бўлаётганларида Алижон Бахтиёрни четга тортади: «Бу ерда менинг танишларим бор. Хоҳласанг улар билан таништираман. Улар қайнакангнинг пулларини ўғирлаб беришади. Қарзларингдан ҳам қутиласан-ку...».

Улар Алижоннинг таниши, олотлик Бешим Сайидовнинг уйига боришади. Унга юқоридаги таклифни айтишади.

Хуллас, Б.Избосаров, А.Тойиров, Б.Сайидовлар 2008 йил сентябрь ойи бошларида бир неча бор ўзаро учрашиб, жиноий режа тузиб олишади. Уюшган жиноий гуруҳга Бешим Сайидовнинг ўғли Фазлиддин Сайидов, жияни Нодирбек Сайидов, таниши Акмалжон Норқобиловлар жалб этилади.

Жиноий гуруҳ ўз мақсадларини амалга ошириш вақти ва усулларини ўзаро келишиб оладилар. Келишилган куни Бешим, Фазлиддин, Нодирбек Сайидовлар ва Акмалжон Норқобиловлар «Нексия» автомашинасини кира қилиб Навоийга йўл олишади. Улар Навоий шаҳрида Б.Избосаров ва А.Тойировлар билан учрашадилар.

Шу куни жиноий гуруҳ аъзолари тунги соат 11ларда Б.Избосаровнинг қайнакаси Х.Худойбердиевнинг дала ҳовлисига келишади.

Жиноятчилар дала ҳовлидаги Х.Худойбердиевнинг укаси А.Худойбердиев ухлаб ётган хонага бостириб кириб уни қасддан ўлдирадилар.

Шундан сўнг жиноятчилар Х.Худойбердиев ва унинг турмуш ўртоғи ухлаб ётган хонага бостириб киришади. Хонадон соҳибига пичоқ ўқталиб, пул талаб қилишади. Х.Худойбердиев эпчиллик қилиб орқа эшикдан ҳовлига қочиб чиқади.

Жиноий мақсадларини амалга ошира олмасликларини англаган жиноий гуруҳ аъзолари ҳодиса жойидан қочиб яширинадилар.

Олиб борилган тезкор-қидирув ва тергов ишлари натижасида жиноий гуруҳнинг қора қилмишлари фош этилди.

Суд жиноий гуруҳ ташкилотчиси Бахтиёр Избосаровга 25 йил, Алижон Тойиров, Бешим Сайидов, Нодирбек Сайидовларга нисбатан 20 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади.

**Хушнур МАҚСУДОВ,**
**Хатирчи туман прокурори ўринбосари.**
**Абдуҳаким ҲАСАНОВ,**
**журналист**

**Ҳаёт билан ўлим ораси бир қадам. Шу сабаб, ўтаётган ҳар бир кунимизга, соату сониямизга шукрона айтишимиз, нафсоний амал ва фикрлардан йироқ бўлишимиз шарт. Афсуски, орамизда ўз нафсини жиловлай олмаслик натижасида турли нохуш воқеалар гирдобида қолаётган ва ҳатто бевақт ўлим топаётганлар учраб туради.**

# ОРИЯТ НИҚОБИДАГИ ҚОТИЛЛИК

Аббос (исм-шарифлар ўзгартиб берилмоқда) ҳам бир оиланинг таянчи, жажжи фарзандларнинг меҳрибон отаси эди. У шаҳардаги корхоналардан бирида электрик бўлиб ишларди. Бир куни кечқурун таниши Наташаникига борганида, зиёфатнинг устидан чиқди. Аббос меҳмонлар қатори еди-ичди. Унинг нимасидир Наташанинг дугонаси Машага ёқиб қолди чоғи зиёфат якунида ундан кузатиб қўйишини илтимос қилди. Аббос ҳам дарров бунга кўнди.

Аббос билан Маша меҳмондорчиликдан ошиқ-маъшуқлардек бир-бирига чирмашиб чиқиб кетишди. Маша уни ўз уйига бир муддат «дам олишга» таклиф қилди. Ширакайф йигитга бу мойдай ёқиб, таклифни рад қилмади.

Машанинг Саша исмли ўғли бўлиб, у яқинда мактабни тугатган ва пайвандлаш цехида ишларди. Саша қўшнисиникига тез-тез келиб турадиган Ваня исмли йигит билан танишиб қолади. Яқиндагина қамоқдан чиққан Ваня уйларида 6 киши аранг қисилиб яшашини айтиб нолиганида уларникида вақтинча яшаб туриши мумкинлигини айтди. Шу тариқа Ваня уларникида яшай бошлайди. У автоустахоналардан бирига ишга ҳам кириб олди. Ҳаммаси яхши кетаётган эди. Бироқ...

Маша Аббосни уйига таклиф қилган пайтда Ваня ишдан кайфияти бузилиб қайтди. У уйга кирганида, ичкаридан «дам олаётган»ларнинг овозини эшитиб, тезгина ортига қайтиб Сашанинг олдига борди.

Ертўлада бироз туришгач, Саша ишини тамомлади. Улар уйга кирганларида Сашанинг авзойи бузилди. У бегона кишидан тезда уйдан чиқиб кетишини талаб қилди. Ваня эса бу чақирилмаган меҳмоннинг таъзирини бериб қўйиши мумкинлигини айтади.

Уларнинг бахтига кутилмаган меҳмон — Аббос Сашани ёнига чақириб, кетиш олдидан у билан дилдан гаплашиб олмоқчи бўлди. Ташқарига чиқишганида, йигитчага дунёнинг ишлари ҳақида фалсафа тўқимоқчи бўлган Аббос тўсатдан мункиб кетиб, йиқилди. Қўлига этикдўз сандонини кўтариб олган Ваня унинг елкасига сандон билан урган эди.

Йиқилганни аёвсиз калтаклашдилар. У нафас олмай қолгач, унинг чўнтакларини титкилашиб, пул ва қўл телефонини олишди.

Ваня қўл телефонини ўзига олди, пулнинг 300 сўмини Сашага берди. Жасадни қўздан панароқ жойга яшириб қўйишди. Сўнг интернет-кафега кириб, анчагача компьютер ўйнадилар. Кейин ҳеч нима бўлмагандек, уйга қайтиб ухладилар.

Эртаси куни қотиллик ва у билан боғлиқ воқеалар аён бўлди. Орият учун қотилга айланган Иван Дмитриев ва унинг шериги Александр Остроумовлар содир этган жиноятни учун тегишли жазоларини олдилар.

Шайтоний нафсини жиловлай олмаган Аббос эса азиз бошини хор қилиб, дунёдан бевақт кўз юмди.

**Ж.ТУРДИМУРОДОВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратурасининг терговчиси**



# Табаррук ёш билан

Улуғ шоирларимиздан бири шундай ёзган эди:

*Эй дўстларим, дунёда*
*Ортда қолган из яхши.*

Албатта, ҳаммамиз ҳам эзгу ишларимиз билан яхши ном қолдиришни истаймиз. Инсон ҳамиша меҳнат қилиш ва заҳмат туфайли шу истакларини рўёбга чиқаради.

Моила Пўлатова ана шундай фидокорона меҳнатлари, машаққатли касбидаги самарали фаолияти билан жамоасида ўз ўрнига эга бўлди. У Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокуратурасидаги 36 йилдан ортиқ фаолияти давомида туман прокурорининг ёрдамчиси ва катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, сермаҳсул меҳнат йўлини босиб ўтди.

Моила Пўлатова ишчанлиги, адолатпарварлиги, инсонларга нисбатан самимийлиги каби фазилатлари билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Узоқ йиллар бир соҳада ишлаб нафақага чиққан Моила Пўлатова қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги жонкуярлиги билан жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Моила Пўлатованинг фидокорона меҳнати, касбга садоқати ва инсоний фазилатлари, шунингдек, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилган. Моила Пўлатова бугун 70 ёшни қарши олмоқда. Биз у кишининг сиҳат-саломат бўлишини, узоқ умр кўришини, болалари ва невараларининг камолини кўриб юришини тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази**

# Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва касбий бурч

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар суд ҳокимияти фаолиятини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Суд ҳокимияти мустақиллиги, одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлаш давлатимиз обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Юртбошимиз И.Каримов «Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» деган асарида «қонунбузарликларнинг, аввалambор, маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан содир этилишини ҳеч йўл қўйиб бўлмайдиган ва давлат ҳокимияти идораларини, унинг ваколатларини обрўсизлантирадиган, халқимизнинг уларга бўлган ишончини йўқотадиган ҳолатлар, деб баҳолаш даркор», деб таъкидлаган эди.

Юрист фаолиятидаги айрим нуқсонларни бартараф этишнинг бирдан-бир йўли юрист касбий бурчини мустаҳкамлаш, ходимлар томонидан ўз касбий фаолияти ва унинг натижалари учун масъулият ҳиссини оширишдир. Бу йўналишда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида муайян ишлар қилинди. Айниқса, 2001 йил 29 августидаги «Суд ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун суд қарорлари ижро этилишини тартибга солибгина қолмасдан, балки суд ва прокуратура ходимлари масъулиятини ҳам оширишга хизмат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, касбий бурч ҳар бир фуқаронинг фуқаровий ва конституциявий бурчлари билан уйғунлашади. Судья ёки прокурорнинг касбий бурчи ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, ҳар бир ходим ўз касбий бурчининг конституциявий тузумни мустаҳкамлашга қанчалик алоқадор эканлигини англаб етиши талаб этилади.

Юрист касбий бурчини такомиллаштириш бизнинг назаримизда икки асосий йўналишда амалга оширилади:

1. Судья ёки прокуратура ходимининг касбий билимларини тобора такомиллаштириш.

2. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятини англаш, унинг ижтимоий аҳамиятини тасаввур қилиш.

Зеро, бугун одамлар суд ҳокимиятини фақат жазолаш, жазога тортиш институти сифатида эмас, балки ўз ҳаётий муаммоларини одил баҳоловчи орган сифатида ҳам идрок этишмоқда. Суд ҳокимияти борган сари кишиларнинг ҳуқуқий таянчига айланмоқда. Мамлакатимизда демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари қатори суд ҳокимиятининг ҳам нисбий мустақиллигини таъминлаш ходимларнинг шунга мувофиқ, касбий бурчи ва масъулиятини ошириш, уларни янада такомиллаштириш орқали мумкин бўлади. Судья, прокурор ёки терговчи қонунлар бузилиши, инсон ҳуқуқларининг топталиши, жамият ва давлат манфаатларига зид ҳодисалар билан муросасиз муносабатда бўлиши лозим. Буни унинг касбий бурчи ҳам тақозо этади.

Рус ҳуқуқшуноси А.С.Кобликов бурч ҳақида гапирар экан, «у киши томонидан бошқаларга қаратилган маънавий вазифанинг ифодаси» деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, юрист бурчи судья ёки прокурор ёхуд терговчи томонидан жамиятда ўрнатилган ижтимоий норма ва қоидаларга қай даражада амал қилинишига боғлиқ. Аниқроқ айтганда, юристнинг касбий бурчи унинг маънавий савиясига, бир сўз билан айтганда, баркамоллигига боғлиқ. Шунинг учун ходимнинг мавжуд қонунларни билишининг ўзи етарли эмас, у маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиши, ўз касбий вазифасини сидқидилдан, фидойилик билан адо этиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Албатта, ҳар бир судья лавозимга тайинланишдан олдин қасамёд қилади, лекин баъзилар ушбу қасамёдга ҳар доим ҳам содиқ бўлиб қолавермайди, турли ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида айрим нуқсонларга, касбий бурчдан оғиш ҳолларига йўл қўйилади. Бундай нуқсонларни бартараф этиш суд ёхуд прокуратура ходимларининг нафақат малакасини ошириш бўйича тадбирларни, балки Юртбошимиз таъкидлаган «юксак маънавият — енгилмас куч» эканлигини ҳар бир ходимга тушунтириш, унинг онгига сингдиришни тақозо этади. Фақат шу йўл билан суд-ҳуқуқ тизими ходимларининг касбий бурчини такомиллаштиришга эришиш мумкинлигини реал ҳаёт, суд амалиёти ва қабул қилинаётган қарорлар ҳақидаги ижтимоий баҳо рўй-рост кўрсатиб турибди. Шу боис, суд-ҳуқуқ тизими ходимларининг ижтимоий обрўйини уларнинг касбий бурчларини янада такомиллаштириш, бажараётган касбий ишлари ва уларнинг натижалари учун жавобгарлик ва масъулиятни ошириш орқали юксалтириш мумкин.

**Нилуфар МИРАҲМЕДОВА,**
**Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ўқитувчиси**

# МУҲИМ АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёни қишлоқларимизнинг тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Қишлоқларнинг фаровонлиги, аҳоли ҳаёти учун қулай ва замонавий шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳам ўз навбатида, қишлоқларни тараққий эттиришга, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлиши учун имконият яратиши шубҳасиздир.

Энг муҳими, қишлоқ аҳолиси учун зарур шароитлар яратиш, улар фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида қабул қилинаётган тегишли қонун ҳужжатлари, шу жумладан Давлат дастурлари мазмун-моҳиятини ижрочи ва аҳолининг кенг қатламига етказиш устувор вазифалардан саналади. Бинобарин, юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади». Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти жамоаси томонидан мамлакатимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги қарори билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тасдиқланиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилаётганлиги муносабати билан мазкур Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул бўлган вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек кенг жамоатчилик учун мўлжалланган амалий қўлланма давлат тилида илк маротаба чоп этилди.

Мазкур амалий қўлланмани тайёрлашдан асосий мақсад мамлакатимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий асосларининг мазмунини ижрочига ҳамда аҳолига етказиш ҳисобланади. Айниқса, Давлат дастурининг асосий йўналишлари мазмун-моҳиятининг тизимли яхлит китоб шаклида ўқувчиларга етказилиши унда белгиланган чора-тадбирларни, соҳага оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этишда ёрдам беради.

Амалий қўлланманинг биринчи бўлими «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид билдирилган ғоялар, фикр-мулоҳазалар» деб номланиб, унда Президентимизнинг 1992 йил 2 ва 3 июлдаги XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X-сессиясида сўзлаган маърузасидан то 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида (2009 йил 13 февраль) айтилган фикрлари, ғоя ва қарашлари ўрин олган.

Қўлланманинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги Давлат Дастурининг мазмун-моҳияти» деб номланган II-бўлими Давлат дастурининг аҳамияти, моҳияти ва асосий йўналишлари, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, Давлат дастурини амалга ошириш бўйича давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вазифалари, шунингдек Давлат дастурининг асосий йўналишлари мазмун-моҳиятига, хусусан қишлоқни ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига бағишланган илмий-амалий мақолалар уларнинг мазмун-моҳиятига қараб 5 та алоҳида параграфларда ўз аксини топган.

Қўлланмада «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури моҳиятидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш масалалари ёритиб берилган. Қишлоқни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асосий йўналишлари, қишлоқ хўжалигида экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари иштирокининг ҳуқуқий масалалари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари тизимли таҳлил этилган. Шунингдек, қишлоқни ижтимоий ривожлантиришни бошқариш тартиби ва асослари, молиявий манбалари, қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромади ва фаровонлигини оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари, қишлоқ хўжалиги соҳасида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, қишлоқ жойларида ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ёритиб берилган. Қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, қишлоқда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда қишлоқ мактаб ва коллежларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ минтақаларида таълим даражаси ва сифатини юксалтиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари, қишлоқда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, қишлоқ жойларида автомобиль йўл қурилишини ривожлантириш ва транспорт хизмати кўрсатиш, фермер хўжаликларига имтиёз ва преференция берилишига оид долзарб мавзуларнинг моҳияти қонун ҳужжатларининг ривожланиши жараёнлари эътиборга олиниб таҳлил этилган.

Бундан ташқари, қўлланманинг ушбу бўлимида қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш ва ундан фойдаланиш тартиби, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини баён этиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан биргаликда, қўлланмада қишлоқ тараққиёти бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари, улар томонидан мазкур соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлар, шунингдек Европа Иттифоқи давлатларида қишлоқ тараққиётига оид қонунчиликнинг ривожланиши таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини инобатга олиб, қўлланмада фермер хўжаликларини ташкил этишда хорижий давлатлар қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан фермерга қўйиладиган талаблар, уларга ажратиладиган ер участкаларининг миқдори, қишлоқ хўжалиги ерларини фермер хўжаликларига ижарага бериш тартибига оид бўлган мақолалар оммабоп тарзда ифода этиб берилган.

Қўлланманинг III-бўлимида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига тааллуқли бўлган қонун ҳужжатлари рўйхати, IV-бўлимида қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид қонун ҳужжатларида қўлланилган асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли луғати ўз аксини топган,

Мазкур амалий қўлланма Давлат дастурининг асосий йўналишлари мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланганлиги боис V-бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисидаги 1046-сонли қарори ва у билан тасдиқланган Давлат дастурининг матни илова тарзида берилган.

**М.МАМАСИДДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари**

**Huquq** yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г — 355. 25 258 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 23.30 1 3 4 5 6 7 8